



“БОЙСУН-БАҲОРИ”
ОЧИҚ ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛИ
МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ
ЭЪТИҚОДЛАРИМИЗНИ РАМЗИ:

ЭТНОГРАФИК ТАҲЛИЛЛАР

Турсунов Сайфулло Нарзуллаевич,

ТерДУ профессори,
тарих фанлари доктори



Аннотация

Мақолада Бойсун туманининг ноёб моддий ва маънавий маданияти, «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивалининг миллий қадриятларни тиклашдаги роли этнографик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Шунингдек, ҳудуднинг археологик ёдгорликлари, топонимикаси, ўсимлик дунёси ва доривор гиёҳларининг илмий-амалий аҳамияти ёритилган. Бойсуннинг ЮНЕСКО томонидан «Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътироф этилиши ва ҳудудда олиб борилган илмий экспедициялар натижалари баён этилган.

Kalit soʻzlar

Бойсун баҳори, ЮНЕСКО, фольклор, этнография, археология, доривор ўсимликлар, моддий-маънавий мерос, Сурхондарё, туризм.

Аннотация

В статье с этнографической точки зрения анализируется уникальная материальная и духовная культура Байсунского района, роль открытого фольклорного фестиваля «Байсун бахори» в возрождении национальных ценностей. Также освещается научно-практическое значение археологических памятников, топонимики, флоры и лекарственных растений региона. Описывается признание Байсуна ЮНЕСКО «Шедевром устного и нематериального наследия человечества» и результаты научных экспедиций, проведенных в регионе.

Ключевые слова

Байсун бахори, ЮНЕСКО, фольклор, этнография, археология, лекарственные растения, материально-духовное наследие, Сурхандарья, туризм.

Abstract

The article analyzes the unique material and spiritual culture of the Boysun district and the role of the «Boysun Bahori» open folklore festival in the restoration of national values from an ethnographic perspective. It also highlights the scientific and practical significance of the region's archaeological monuments, toponomy, flora, and medicinal herbs. The recognition of Boysun by UNESCO as a «Masterpiece of the Oral and Intangible Heritage of Humanity» and the results of scientific expeditions conducted in the region are described.

Keywords

Boysun Bahori, UNESCO, folklore, ethnography, archaeology, medicinal plants, material and spiritual heritage, Surkhandarya, tourism.

Бойсун тумани қадимдан моддий-маънавий маданиятимизнинг ноёб дурдоналарни ўзига акс эттирган бебаҳо туризм масканидир. Туман табиат бетакрор санъат асари сифатида табиий яратилган бўлиб, унинг муқаддас тупроғи пок, унумдор, суви жисми жонга даво ва шифо, ноёб ўсимликлар ва гиёҳлар ўсади. Хайвонот ва қушлар дунёси чексиз ҳамда турли-туманлиги билан ажралиб туради. Бу маскан фақат мустақиллик туфайли, ўзининг сирли, жаҳонга машҳур табиати, моддий-маънавий маданияти, айниқса халқ оғзаки ижодининг нодир йўналишлари билан жаҳон жамоатчилигини ўзига жалб этмоқда. Бу китоб ички ва халқаро туризмни янада ривожлантириш мақсадида сайёҳлар учун энг муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 мартдаги №071-1231 рақамли қарор асосида “Бойсун баҳори” очик фольклор фестивали 2026 йил 1-2 май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусида ташкил этилди.

ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида 2001-2026 йилларда “Бойсун баҳори” очик фольклор фестивали юқори савияда ўтказилди. Бу тадбир туфайли туман маданий меросини ўрганиш жаҳон санъатшунослари томонидан кенг эътироф этилмоқда. Бойсун туманининг қадимги анъаналари туфайли жаҳон дурдонаси сифатида намоён бўлишда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг эвазига Бойсун маданиятини ўрганишга эътибор ортмоқда. 2003 йилдан Ўзбекистон Бадий Академияси Санъатшунослик институти асосида тузилган, ўлка халқ санъатини комплекс ўрганиш бўйича Бойсун илмий экспедицияси иш бошлади. Экспедиция Япония траст фондининг ЮНЕСКО орқали ажратган гранти маблағи ҳисобига СМИ гуруҳининг фаол қўллаб - қувватлаши ҳисобига ташкил қилинган. Экспедиция ишида

тарихчилар, археологлар, этнографлар, филологлар, театршунослар, мусиқашунослар ва санъатшунослар, бадий хунармандчилик муаммолари билан шуғулланувчилар иштирок этдилар. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида илмий хулосалар яқунланиб, экспедиция натижаларига бағишлаб илмий тўплам яратилди.

Ўнлаб хорижий мамлакатларнинг вакиллари иштирок этган “Бойсун баҳори” фольклор фестивали дунё цивилизацияси бешиқларидан бири, кўхна қадриятлар макони бўлмиш Сурхон воҳасида, қадимий Бойсун тупроғида ўтмоқда. Бу бетакрор масканининг нуфузли халқаро ташкилот – ЮНЕСКО томонидан “Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси” сифатида эътироф этилгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

“Бойсун баҳори” фольклор фестивали жаҳон халқларига ва нуфузли халқаро муассасаларига халқимизнинг қадимий санъати, юксак ижодий салоҳияти, бағрикенглик ва меҳмондўстлик фазилатлари билан ҳам яқиндан танишиш имконини бермоқда. “Бойсун баҳори” фольклор фестивалининг асосида ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, қадриятлари ва анъаналари мужассам. Шу туфайли халқимизнинг миллий дурдоналарини ўрганиш, халқ онгига сингдириш, қайта тиклаш бўйича катта ютуқларга эришиб, “Бойсун”, “Қуралай” этнографик халқ ансамбиллари дунё назарига тушди. Бойсуннинг миллий ғурури, қадриятлари, урф-одатлари, унинг ифтихори бўлган “Бойсун баҳори” фольклор фестивали Ш.Холмирозев, У.Азим, Э.Аъзам, И.Норбоев, Х.Хурсанд, Х.Чоршанбиев ижодиётида, халқ бахшиси Шоберди Болтаев термаларида ўз аксини топди.

“Бойсун баҳори” фольклор фестивали туфайли Бойсун этнографиясини мукамал ўрганиш учун олиб борилган тадқиқотлар натижасида илгари аниқланган 22 та археологик манбаларга қўшимча равишда яна 30 та янги ёдгорликлар аниқланиб, жами 52 та ёдгорликлар ҳақида маълумотлар илмий асосланди. Бойсун ҳудудида 2003 йилда грек-бактрия даврининг улкан ёдгорликларидан бири Қўрғонзол шаҳрида археологик қазилма ишлари олиб борилиб, янги манбалар аниқланди. Шунингдек, илмий тадқиқотчи В.Мокробродов томонидан туман ҳудудига хос иқтисодий-хўжалик, сиёсий ва диний-маданий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар илмий таҳлил этилди. Бойсун археологиясини ўрганишда таниқли олимлар академик Э.Ртвеладзе ва профессор А.Саъдуллаевлар 1970 йилларда Сарибанд ва Бандихон турар жойлари бўйича илмий изланишлар олиб бордилар.

Бойсун этнографиясини ўрганишда таниқли этнографлар тарих фанлари доктори А.Ашуровнинг Бойсун аҳолиси турмушига бағишланган илмий тадқиқотлари ва Л.Абдурахмонов томонидан тайёрланган халқ маданиятининг турли шакллари – ўйин ва байрамларини ўрганиши муаммоларига бағишланган илмий ишлари, Р.Абдуллаевнинг турар-жойга оид материаллари, «Бойсуннинг мусика мероси», «Бойсун маросимлари ва маросим кўшиқлари» каби илмий ишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Термиз давлат университети профессор-ўқитувчиларининг бу бора-

да олиб бораётган илмий тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тарих фанлари доктори, профессор С.Турсунов раҳбарлигида Бойсун моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш йўналишида муҳим аҳамиятга эга илмий тадқиқотлар олиб борилиб, Бойсун тарихи, этнографияси, археологиясига тааллуқли жаҳон ва республика аҳамиятига оид илмий амалий ишлар, шунингдек, А.Ҳақимовнинг Бойсунда энг кенг тарқалган анъанавий ҳунармандчилик – қўлда тўқишни ҳар томонлама санъатшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилганлиги, Э.Гюлнинг халқ тўқимачилигининг турли кўринишлари – гиламдўзлик, кигиз тўқиш ва тўқимачиликка бағишланган илмий тадқиқотларида Бойсун тумани гиламларининг бадий хусусиятлари ва технологияларини очиб берувчи жиддий илмий ишлар ҳисобланади.

Таниқли олим А.Ҳақимов ва С. Алиевларнинг Бойсунда сопол идишлар тайёрлашга бағишланган илмий тадқиқотлари, С. Аҳеванинг терини, ёғочни қайта ишлаш ва сандиқлар ясаш каби ҳунармандчиликларнинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи илмий ишлари ҳамда Бойсун тумани ўзбеклар ва тожикларнинг анъанавий маданиятини ўзида акс эттирувчи излашнишлари Бойсун этнографиясини илмий ўрганишга асос бўлди.

Бойсун тумани маъмурий жиҳатдан олганда, Сурхондарё вилоятида умумий ер майдонига кўра, Сариосиё туманидан сўнг 2-ўринда туради. Аммо яйлов ерларининг майдони жиҳатдан биринчи ўринни (272503 га) эгаллаган тумандир. У Сурхондарё хавзаси тоғли туманлари ичида етакчи ўринда туради. Бу туман ўсимликлари копламининг фитоценотик, таксономик хилма-хиллиги, асосан, экологик муҳит кўрсаткичлари, геологик тузилиши, генезиси, рельефи типлари яъни геоморфологик босқичлари ёки минтақавий кўрсаткичларига мос ҳолда хилма-хил бўлиши, табиий ландшафтдаги диагностик кўрсаткичлардир. Бойсун-Чўлбағир тоғ тармоқлари тупроқ типлари кўплаб тупроқшунос олимлар томонидан ўрганилиб баҳоланган, шунингдек ўсимлик копламлари ҳозирги вақтда кўплаб олимларни қизиқтириб келмоқда. Бойсун-Чўлбағир тоғли туман бўлгани учун унинг 75% ни тоғлар ташкил этади, ўсимлик жамоалари, асосан, тоғ минтақасига хос бирликлардан иборатдир.

Бойсун тумани ҳудудининг шимолий ва ғарбий қисмини Ҳисор тоғ тизмаси таркибидаги Бойсунтоғ ва унинг тармоқлари - Кетмончопти, Эллик ва бошқа тоғлар эгаллаган. Пурвиқор тоғлар қўйнида юксалишга юз тутаётган Бойсун бетакрор табиати, шифобахш гиёҳлари, зилол сувлари-ю мусаффо ҳавоси билан барчани ўзига мафтун этиб келади. Ҳудуднинг далаю дашти, кир-адирлари ва тоғ ён бағирларида ёввойи ҳолда ўсадиган турли шифобахш гиёҳлардан фармацевтика саноатида фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтириш устида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Бойсун топонимлар. “Бойсун” атамаси қадимий туркийча бўлиб “улуғ тоғ” ёхуд, “катта тоғ” маъносини билдирган. Бойсун элшунослар наздида халқимизнинг

ўзига хос миллий хусусиятларини намоён этган табиат қўйнидаги очик этнографик музей сифатида эътироф этилади. Чунки мазкур ҳудудда яшаётган халқларнинг ижтимоий-маънавий турмуш тарзига ҳам хўжалик фаолиятига ҳам эътибор берсак ўзига хос миллийликни фарқлаб оламиз. Бойсун географик жиҳатдан шимоли-шарқий томондан жануби-ғарбга қараб йўналган адир, тоғ, баланд тоғга мансуб рельеф ва қуйи тоғ текислигидаги маскандир.

Агар кўҳна тарихга назар ташласак, миллоддан аввалги I аср ва милодий I асрлар оралигида ҳозирги Бойсун шаҳри ўрнида Поикалон (Пойи калон) номли мустаҳкам қалъа шаҳар бўлганлиги, VI-XIII аср бошларида Бойсун ўрнида Чағониён шаҳарларидан бири Басанд мавжуд бўлган. Абу Исҳоқ Истаҳрийнинг “Китоб масолик ва алмамолик” (“Мамлакатлар йўллари тўғрисида китоб”) асарида ҳам ушбу маскан Басанд деб таърифланган. “Басанд кўп сонли ва жанговар аҳоли яшайдиган мустаҳкам жойдир”, деб қайд этилган.

Мўғуллар босқинидан вайрон бўлган шаҳар кейинроқ қайта тикланиб, кўчманчи туркий қавмлар унга “Бойсун” деб ном берадилар. “Бойсун” атамаси қадимий туркийча “бой” ва “син”дан олинди, “улуғ тоғ” ёхуд “катта тоғ” маъносини англатган. Қадимий туркий қавмларда бошқа нарсаларга сиғинишлар қаторида тоққа сиғиниш ҳам мавжуд бўлиб, тоғлар муқаддас саналган. Маҳаллий ривоятларга кўра, бу ерда қадимдан туркий қавмларнинг бадавлат кишилари яшаган бўлиб, “Бойсун” атамаси “бойлар қишлоғи” маъносини англатган. Шарқшунос Н.А.Маевнинг “Бухоро хонлиги очерклари” асарида ёзишча: Бойсуннинг ҳақиқий номи Бойшин бўлиб “Бойлар, зодаганлар манзили” маъносини ифода этган. “Бойсун энг қадимги шаҳарлардан бири бўлиб, қадимги шаҳар қолдиқлари, моддий маданият манбалари вайрон қилиб ташланган, қимматбаҳо тарихий ашёлар бунга мисол бўлади”.

Бойсун-чўлбағир тоғларининг табиий ҳудудий жиҳатлари шуни кўрсатмоқдаки, Бойсун-Чўлбағир тоғлари ўсимликлар копламининг фитоценотик, флористик жиҳатдан хилма-хиллигини умумий табиий қонуниятга мос ҳолда, яъни унинг географик, орографик, геологик, гидрологик, иқлим-тупроқ типлари, денгиз сатҳидан баландлиги ва тоғ ёнбағирларининг экспозицияларига мос, уларга боғлиқ ҳолда ўсимлик жамоаларининг тарихан ташкил топган таксономик бирликларнинг уйғунликлари, яъни биогеоценоз мажмуасидан ташкил топган.

Бойсун-Чўлбағир тоғлари Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқлари ичида етакчиларидан бўлиб, Сангардак ва Мачай дарёлари ҳавзалари оралигидаги табиий ҳудудий мажмуадир (124200 га). Бу ҳудудни Р.С.Верник (1961) Сурхондарё округида Бойсун геоботаник райони сифатида ажратган. Муаллиф районлаштириш жараёнида округни ўзига хос экологик ва минтақавий кўрсаткичларини асос қилиб олган бўлса, районларни денгиз сатҳидан баландлиги, рельефи, тупроқ, ўсимлик типлари, гидрографияси, иқлими ва хўжалик юритишдаги йўналишлари каби кўрсаткичларга

таяниб, геоботаник районларга ажратган.

Н.А.Когай (1969), Н.А.Когай ва Т.Липатовалар (1971) биз ўрганган худудни Сурхондарё округи Бойсун физгеографик райони хажмида ажратишган. Сабаби бу районнинг қўшни туманлардан кўп жиҳатдан фарқи бор бўлган табиий худудий мажмуадир. Чунки районлаштириш жараёнида ҳисобга олинган кўрсаткичлар ландшафт компонентларининг ривожда ҳам асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан, бу ҳавза худудини мустақил район тарзида ўрганишни тўғри деб ҳисоблаймиз. Биз тадқиқот олиб борган Бойсун-Чўлбағир тоғлари (физгеографик район) худудида, асосан, адир, тоғ ва яйлов минтақалари учраб, уларнинг ҳар бирида ўзига хос тарихан ташкил топган ўсимлик жамоалари тарқалган.

Илмий адабиётларда кўрсатилишича Сурхондарё флораси турлар таркиби жиҳатидан Кавказ орти республикаларидан кейин иккинчи ўринда туради. Шунинг ўзи ҳам Сурхондарёнинг ўсимликларга бой эканлигини кўрсатади. Республикамизда 4500 дан ортиқ ўсимлик тури бўлса, шундан 1646 та тури вилоятда учрайди. Шу далилнинг ўзи ҳам Сурхондарё вилояти флораси бой ва турли-тумани эканлигини билдиради. Шу боисдан ҳам бу ўлканинг ўсимликлар дунёсини ўрганишга қадимдан катта қизиқиш бўлган.

Бойсун туманида 239 турдаги доривор ўсимликлар учрайди. Биз улардан санграйкулоқ – *Merendera robusta* ва сариқ савринжон ўсимликларини - *Colchicum luteum baker* ўсимликларини ўргандик. Ушбу ўсимликларнинг бош алкалоидлари колхицин ва колхамин тиббиётда ҳавфли ўсма касалликларини даволашда ишлатилади. Ўсимликлар ўрганилганида бошқа худудларда ўсадиган ўсимликлардан фарқ қилиб, санграйкулоқ ўсимлигида оксиметилат мерендерин алкалоиди мавжудлиги аниқланди. Сариқ савринжон ўсимлигида қоғоз ва юпка қатламли хроматография усулларида ўрганилганида янги алкалоидлар борлиги аниқланди.

Бойсун-Чўлбағир тоғ тармоқлари Сурхондарё вилоятининг шимолий қисмидаги Ҳисор тоғи тизмасининг жанубий ёнбағридаги йирик тармоқларидан бўлиб, Мачай дарё ва Сангардак дарёлари оралиғидаги ўзига хос тараққиёт қонунига эга бўлган табиий худудий мажмуа ҳисобланади.

Табиий имкониятлари ва бойликлари: Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига бой. Бойсун географик жойлашуви, табиати, ер ости бойликларининг кўплиги билан мамлакат тараққиётининг истиқболларини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади. Бойсун замини энергия манбаларига жуда бой. Давлат дастури ижроси доирасида “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” газ кони негизида газни қайта ишлаш заводи, газ-кимё мажмуаси барпо этилиш жараёнининг бошланганлиги худуднинг мамлакат ҳаётидаги ўрни нечоғлик катта эканлигини кўрсатади.

Бойсунтоғ ён бағирларида ўсадиган турли шифобахш гиёҳлардан фармацевтика саноатида фойдаланиш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фой-

даланиш имкониятининг кенглигида намоён бўлади. “Бойсун-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этилиши шифобахш ўсимликларга бой, экологияси соф Бойсунни фармацевтика саноати марказига айлантириш, турли ноёб доривор гиёҳлардан сифатли дори-дармон ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Доривор гиёҳлардан саноат плантацияси яратиш мўлжалланаётганлиги худуднинг халқимиз келажак истиқболда қанчалик аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Бойсун адирлари ўзига хос бўлган табиий гиёҳлар ва ўсимликларга жуда бой ҳисобланади. Хусусан, Бойсун-Чўлбағир тоғ тармоқларида ўсадиган чаканда меваси ва уруғининг ёғи оғрик қолдирувчи, тери тўқимаси тикланишини тезлаштирувчи, ярани тез битирувчи ва витаминга бўлган талабни қондирувчи воситадир. Чаканда уруғининг мойи турли тери ва гинекологик касалликларда ҳам фойда беради. Шунингдек, тоғ ён бағрларида ўсувчи гулхайридан тайёрланган препаратлар ҳимояловчи, юмшатувчи ва шамоллашга қарши хусусиятга эга. Балғам кўчирувчи ва оғрик қолдирувчи таъсири бор. У сурункали бронхит, ларингит, ўпка пневмонияси ва астма касалликларида, ошқозон гастрити, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яллиғланишида фойда беради. Хуллас, бу худудда ўсадиган гиёҳ борки, қайсидир дардга малҳам, соғлом кишига қувват бўлади. Фақат улардан тўғри фойдалана билиш керак, холос.

Бойсун-Чўлбағир тоғ тармоқларида дугбой деган ўсимлик бор. Дугбой — жигар хасталигининг олдини оладиган ва унинг енгил кўринишини даволайдиган ўта самарали доривор ўсимлик ҳисобланади. Номақбул йиғиш оқибатида тобора камайиб кетаётган ўсимликлар орасида Бойсун туманида ўсадиган тожик кавраги деган ўсимлик ҳам бор. Бу кавракнинг илдиз бўғзидан кесилганида тепасидан шира чиқади. Бу ўта қўланса ҳидли, ёпишқоқ бўлса-да, унинг дориворлик хусусияти ниҳоятда самарали. Аммо табиатдан оқилона фойдаланмаслигимиз, унга дўстона муносабатда бўлмаслигимиз ва зарур билимнинг етишмаслиги натижасида бундай ўсимликлар вақт ўтгани сайин камайиб кетаяпти. Чунки табиатдаги барча тириклик — хоҳ ўсимлик, хоҳ ҳайвонот ёки микроорганизм бўлсин, озука занжири орқали бир-бирига боғланган. Қайсидир занжирнинг кучсизланиб қолиши ёки бу тизимдан чиқиб кетиши қолган бўғинларга таъсир кўрсатади. Уларнинг камайиб ёки кўпайиб кетиши ўзига хос талафотга ҳам сабаб бўлади. Буни биз сезмаслигимиз мумкин. Айрим касалликларнинг, масалан, ёш болаларда аллергия ёки онкологик касалликларнинг кўпайиб кетаётганлиги бунга мисолдир. Демак, табиатдаги тирик занжирнинг қайсидир бир бўлаги бўшашиб қолган бўлиши мумкин. Лекин бунинг сабаби ва ечимини дорихонадан қидиришимиз бор гап. Яъни, сунъий дори воситаларини ўзлаштиряпмиз. Истеъмол қилаётган маҳсулотларимиз орасида табиий маҳсулотлар кўп бўлишига унчалик эътибор қаратмаяпмиз. “Иммунитет пасайиши” деган ҳолат келиб чиқишига эса шу нарса ҳам сабаб бўляпти.

Вилоят ҳокимлигидан олинган маълумотларга қараганда, тоғли туманда аниқланган ва ёввойи ҳолда ўсадиган 20 дан ортиқ доривор гиёҳни маданийлаштириш чоралари кўрилмоқда. 10 га яқин маданийлаштирилган шифобахш ўсимликларни етиштириш йўлга қўйилаётир. 13 турдаги доривор гиёҳлардан саноат плантацияси яратиш мўлжалланмоқда. Мазкур туманда фаолияти йўлга қўйилган “Бойсун-фарм” плантацияларида маҳаллий шароитда ўсадиган мойчечак, олабўта, занжабил, арслонқуйруқ, наматак, тирноқгул, гулхайри, қирқбўғин, бўригул, кийик ўти, ковул каби кўплаб гиёҳлар билан бирга, бошқа минтақаларга хос стевия, рахитака, трифала, шанкха пушпи, финлантус нирури, папайя сингари ноёб ўсимликларни етиштириш ҳам режалаштирилмоқда.

Шу баҳонада Бойсун туманини фармацевтика саноати марказига айлантириш имконияти кенгайтирилади; сув миқдорини кўпайтириш орқали аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти ортади. Чунки дарахт ва ўсимликларни кўпайтирилиши сабабли дарахтлар ўзида минглаб тонна сувни ушлаб туриши натижасида сувнинг миқдори ошади. Зеро, ҳозирги кунда Бойсун тумани аҳолисининг қарийб 100 % ини мазкур тоғ этакларидан оқаётган сойлар ичимлик суви билан таъминлашини ҳисобга олсак, бу табиат зонасини ташкил этиш ва қўриқлаш қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тушуниш мумкин. Шунингдек, пировард натижада меҳнат ресурслари кўп Бойсун туманида янги иш ўринлари яратилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Табиат - бу тирик организмдир, у ҳар бир бузилган ери учун инсондан шафқатсиз равишда ўч олиши мумкин. Катта-катта шаҳарларнинг пайдо бўлиши, уларда аҳолининг, саноат корхоналарининг, автотранспорт воситаларининг тобора ортиб бориши, ўрмонлар бағрида, дарё ва денгиз бўйларида ва тоғ ёнбағирларида жуда кўп туристик базалар, кемпинглар, дам олиш уйлари, оммавий ҳолда режасиз дам олувчилар сонининг кўпайиб бориши табиатнинг нозик томонларига гоҳо салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тиббиётда маълум касалликларни даволаш ҳамда уларнинг таркибида доривор моддалар мавжуд бўлган. Касалликни даволаш, уларнинг олдини олиш мақсадида доривор ўсимликлардан дори турлари тайёрланади ёки улардан доривор препаратлар ва соф ҳолдаги доривор моддалар олинади. Бу препаратлар ўсимликларнинг касалликларни даволаш хусусиятига эга биологик фаол моддаларга бой бўлган қисмларидан: – баъзи ўсимликларнинг ер ости органларидан баъзиларининг эса, устки органларидан олинади.

Кимё фанининг, айниқса, синтетик кимёнинг юқори даражада тараққий этишига ва кўплаб кучли таъсир этувчи доривор моддалар синтез қилинишига қарамадан, тиббиётда қўлланиладиган препаратларнинг 40% га яқини ўсимликлардан олинади. Бу кўрсаткич айрим касалликларни, масалан юрак-қон томир касалликларини даволашда ишлатиладиган доривор препаратларнинг 80 % ни ташкил қилади. Келажакда

тиббиётда ўсимликлардан олинган доривор препаратлар ва доривор моддаларни янада кўпроқ ишлатиш режалаштирилмоқда.

Инсон табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳамма вақт табиатнинг сир синоатлари кишиларни ўзига оҳанграбодек тортиб келади. Шунинг учун бўлса керак, инсон табиат қўйнида содир бўлган ва вужудга келган ҳодиса ва жараёнларни ўрганишга қизиқиши табиий ҳолдир. Табиатнинг ноёб ёдгорликлари атамасини фанга машҳур немис сайёҳи, географ ва табиатшунос олим Александр Гумбольдт XIX-асрда киритган. А.А.Бродский 1923 йилда Ўрта Осиёдаги табиат ёдгорликлари рўйхатини тузиб чиқди ва унга ҳар хил объектлар-шаршаралар, кўллар, ўрмонлар, алоҳида ноёб дарахтлар, қоялар, қуш инлари ва ҳоказоларни киритади.

Шуни қайд этиш лозимки, табиат томонидан яратилган барча объектларни ҳам табиатнинг ноёб ёдгорликлари деб бўлмайди. Табиат ноёб ёдгорликларининг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг илмий ва геологик тарихий аҳамиятга эгаллигидир.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 245-сон қарори.
2. Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 85.
3. Турсунов С.Н., Рашидов Қ. Бойсун. – Тошкент: Akademnashr, 2011.
4. Хақимов А., Гюль Э. Байсун: Атлас художественных ремёсел. – Ташкент, 2006. – С. 32.
5. Бойсун тарихи ва миллий маданияти: Бойсун илмий экспедицияси тўплами. II нашр. – Тошкент, 2005. // Ўзбекистон миллий энциклопедияси (Ziyo.uz кутубхонаси). – Б. 50.
6. Сурхон воҳасида бахшичилик фестивали // Сурхон тонги. – 2024 йил 7 апрель. – № 21.
7. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти Бойсун тумани. 2026 йил.